XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI

QAROR

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 7 - fevral VI-73-19-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

мазкур қарорни иловасига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман хокими фармойиши лойиҳасини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман

Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2023 yil 7 fevraldagi
VI-73-19-2-41-K/23-son qaroriga
1-ilova

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Маблағ олувчи ташкилот номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	Ёшлар ишлари агентлиги Шофиркон туман бўлими биносини мебель жихозлари билан таъминлаш харажатлари	Ёшлар ишлари агентлиги Шофиркон туман бўлими	208 000,0
2.	Ёшлар ишлар агентлиги Шофиркон туман бўлимига плакат ва пано харажатлари	Ёшлар ишлари агентлиги Шофиркон туман бўлими	25 000,0
3.	Шофиркон туман ҳокими ёрдамчисига иш ҳажмини юқорилигини инобатга олиб ҳар ойлик иш ҳаққисига 75 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш (2022 йил) харажатлари	Шофиркон туман ҳокимлиги	11 116,0
4.	Туман ҳокимилиги маъмурий биносини қўриқлаш хизмати харажатлари	Шофиркон туман ҳокимлиги	26 000,0
5.	Тумандаги Маиший хизмат коллежида жойлашган 4-сектор хоналарини таъмирлаш учун зарур бўладиган қурилиш материаллар харид қилиш	Шофиркон туман ҳокимлиги	20 000,0
6.	Тумандаги Мирзоқул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига кириш дарвозаси ўрнатиш харажатлари	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	20 000,0
7.	Туман ҳокимлигини коммунал тўловлари харажатлари	Шофиркон туман ҳокимлиги	10 000,0
8.	Туман марказидаги Истирохат боғига тупроқ ташиш ва транспорт билан боғлиқ ЁММ харажатлари	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	30 000,0
9.	Туман марказидаги Истирохат боғига цемент сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	9 000,0

10	Яшил майдон (Канада грин) харажатлари	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	25 000,0
11	Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга Қуёш панеллари сотиб олиб ўрнатиш харажатлари	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	80 000,0
	Жами	**xxx**	**464 116,0**